

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 9 июль пайшанба

Сотувда эркин нархда № 137 (1918)


«ҒАЛЛА - 98»

## ШАРТНОМА БАЖАРИЛДИ

**ТЕРМИЗ.** Сурхондарё деҳқонлари 220 минг тонна дон тайёрлаб, давлат шартномасини бажардилар.

96 минг гектар суғориладиган ерда, 15 минг гектар лалмида ғалла ўстирган сурхондарёликлар ўрим-йиғимни барвақт бошлашди. 610 та комбайндан (56 таси «Кейс») унумли фойдаланилди. Сариосиё туманида ҳозиргача ўрилган майдонлардан гектарига қарийб 40 центнердан ҳосил олинди. Денов туманининг С. Раҳимов номли, Музрабод туманининг А. Набиев номли, Қумқўрғон туманининг С. Бойматов номли, Жарқўрғоннинг «Халқобод» жамоа хўжаликларида, айниқса, ҳосил мўл бўлди.

Ғалла ўрим-йиғими воҳада давом этмоқда. Сурхондарёликлар шартномага қўшимча давлатга яна 10 минг тонна дон етказиб беришни режалаштиришган.

**Ўз мухбиримиз.**

# ПРЕЗИДЕНТНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИГА САФАРИ





8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Самарқанд аэропортида давлатимиз раҳбарини вилоят ҳокими А.Мардиев кутиб олиб, вилоят ғаллакорларининг дон топшириш бўйича давлат буюртмасини бажарганлиги тўғрисидаги ғалаба рапортини юртбошимизга топширди.

Мамлакатимиз раҳбари дастлаб Челак тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Бу йил мамлакатимизда буюк муҳаддис таваллудининг 1225 йиллиги нишонланиши муносабати билан табаррук қадамжода аллома мақбараси, масжид, дунёнинг барча бурчакларидан келадиган зиёратчиларга мўлжалланган бошқа иншоотлар жадал суръатларда қурилмоқда.

Ислом Каримов зиёратгоҳни кўздан кечирар экан, юбилей тантаналари бутун жаҳонга юртимизда миллий қадриятлар тикланаётганлигини, аждодларимизнинг бебаҳо мероси эъзозланаётганлигини намойиш этиши зарурлигини, бунга қурилиш давомида алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Президент қурувчи, лойиҳачи, меъмор ва усталар билан суҳбатлашди, уларга бу ишларда миллий меъморчилигимиз анъаналарига кўпроқ таяниш, биноларга қадимийлик руҳини сингдириш зарурлигини уқтирди.

Сўнгра йўлбошчимиз жойларда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани билан танишиш мақсадида Челак, Жомбой ва Тойлоқ туманларида бўлди. Челак туманидаги "Маниобод", Жомбой туманидаги "Ҳақиқат", Тойлоқ туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжаликларида пахта ва ғалла етиштиришда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Деҳқонлар ва мутахассислар билан суҳбат давомида юртбошимиз пахтачилик ва ғаллачиликда уруғчилик масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз Ўзбекистон-Ирландия "Элита" қўшма корхонасининг илмий-тажриба майдонида буғдой ва арпанинг янги навларини етиштириш борасида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Бугунги кунда бу ерда мингга яқин нав устида тажриба олиб борилиб, Ўзбекистон шароитига мос самарали уруғ навларини яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, Самарқанд азалдан ўзининг тарихий меъморчилик обидалари, нодир ва бетакрор ёдгорликлари билан дунёга донг таратган. Шаҳарга қадам ранжида қилган ҳар бир меҳмон, деди Президент, бу ерда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрсин, сезсин. Ислом Каримов шаҳар қурилишининг янги бош лойиҳасини кўздан кечирар экан, барпо этилажак иншоотлар ягона сайёҳлик мажмуини ташкил этиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд сафарида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И.Жўрабеков, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев ҳамроҳлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: мамлакатимиз раҳбари бунёд этилаётган ёдгорлик мажмуи ва Самарқанд шаҳри қурилишининг янги бош лойиҳасини кўздан кечирмоқда.**

**М. АМИН ва Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ТЕХНИКА

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида қишлоқ хўжалик экинларига дори сепиш учун ишлатиладиган янги техникани намойиш этишга бағишланган семинар бўлди. Уни "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" таркибидаги "Кимёқишлоқмаш" акциядорлик жамияти ташкил қилди.

Бу тадбир жуда ўз вақтида ўтказилди: вегетация даврида зараркунандаларга қарши курашда ўсимликлар инсон ёрдамига муҳтож бўлади.

Семинар иштирокчиларига хилма-хил техника, чунончи, мамлкатимизда Исроилнинг "Дегания" фирмаси билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган пневматик штангали кенг қамровли чанглатгич, Италиянинг "Агротаъмиртурбина" фирмаси билан биргаликда ишлаб чиқарилаётган пуркагичлар намойиш этилди. Янги машинадан қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг барча турларини қириб ташлаш учун фойдаланиш мумкин. 15 ва 20 литр сиғимли елкага осиб ишлатиладиган қулай пуркагичлар ҳам намойиш қилинди. Улар кичик хўжаликлар учун жуда қулай техникадир.

"Кимёқишлоқмаш" акциядорлик жамияти мутахассислари семинар иштирокчиларини янги техника воситаларининг имконият ва хусусиятлари билан таништирдилар. Хўжаликлар вакиллари, фермерлар намойиш қилинган техника ва уларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилиш тўғрисида келишиш имкониятига эга бўлдилар.

**Пўлат НИШОНОВ, ЎзА мухбири.**

## АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ
## ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

● **ХУШХАБАР**

### ИШ КЕРАКМИ, ЯРМАРКАГА БОРИНГ

***Яқинда Наманган шаҳрида Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамда Наманган шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимнинг ташаббуси билан «Меҳнат ярмаркаси» ўтказилди. Ярмаркада шаҳардаги қарийб 20 та корхона ва ташкилот 200 яқин ишчи ўринлари билан қатнашди. Меҳнат бозорида «Кока-кола», «Нотўқимачи» каби нуфузли корхоналар ҳам иштирок этишди. Шу куни Наманган шаҳрида яшовчи ёшлардан 140 нафари ишга жойлашди.***

● **ЯНГИЛИК**

### БИР КУНДА САККИЗ ТОННА

***«Қорақалпоқдонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти кундан-кунга юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқда, — деб ёзади Қорақалпоғистондаги мухбиримиз Ҳайитбой Абдусодиқов. — Яқинда корхона аҳоли учун яна бир қулайлик яратди. Нукус шаҳридаги ун комбинати қошида замонавий наввойхона қурилиб, ишга туширилди. Наввойхона Германиянинг «Винклер» фирмаси технологияси асосида ишлаяпти. Бу ерда бир кеча-кундузда 8 тонна турли хил нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, эл дастурхонига тортиқ этилмоқда.***

● **ЁЗГИ ТАЪТИЛ**

### ФАҚАТ ИСТЕЪДОДЛИЛАР УЧУН

***Халқимиз азалдан истеъдодлиларни ардоқлаб келади. Бухоро вилоятининг Ромитан тумани халқ таълими бўлими ходимлари ушбу анъанани давом эттираяптилар. Ёзги таътил бошланиши биланоқ, туманда «Истеъдод» оромгоҳи ташкил этилди. Оромгоҳ учун харажатларни туман халқ таълими бўлими ва унинг касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасига олди.***

***Оромгоҳга 9—10-синф ўқувчилари танлов асосида қабул қилинади. Бу ерда биринчи босқичда 30 нафар ўқувчи ором олди. Ёзги таътил охиригача 90 нафар истеъдодли ёшлар дам оладилар. Ўқувчилар бу ерда ҳордиқ чиқариш билан бирга, олий ўқув юртлари имтиҳонларига ҳам тайёрланадилар. Туманнинг энг билимдон ўқитувчилари уларга сабоқ беришади.***

● **ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!**

### БУНИНГ НИМАСИ БИРИНЧИ КАТЕГОРИЯ?

***Сирғали туманининг 5,6 ва бошқа айрим даҳаларида уйлар асосан тўққиз қаватли типда қурилган. Улар нисбатан янги қурилишлар бўлганлиги сабабли, Тошкент шаҳар уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг мутахассислари томонидан «Биринчи категорияли» уйлар деб таърифланади. Пировардида, уй биринчи категорияли бўлгач, унга кўрсатиладиган коммунал фойдаланиш хизмати тўловлари ҳам шунга яраша белгиланган.***

***Лекин «Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди» деганларидек, мутасадди ташкилотлар «Биринчи категорияли» деб топган уйларнинг айнан коммунал фойдаланиш хизмати билан боғлиқ жиддий камчиликлари бор.***

***Мен оилам билан Сирғалининг 5-даҳасидаги 46-уйнинг 9-қаватида яшайман. Ҳар йили ёзда совуқ сув, қишда иссиқ сувга ёлчимай, челак кўтариб, пастки қаватларга тушиб, қўшниларнинг эшигини тақиллатиб юрамиз. Бунинг устига, томдан подъезддаги электр қути устига сув оқади. Неча йилдан буён мурожаат қиламиз, фойдаси бўлмаяпти. Ёмғирли кунларда тепадан оқова тушадиган қувур ёрилиб кетиб, бутун 9- қаватнинг йўлакларини сув босди. Мурожаат қилдик, яна фойдасиз. Ўзимиз тош, ғишт тиқиб бекитдик...***

***Мана шундай муаммоларга дуч келаверсангиз, бу уйларнинг нимаси биринчи категория экан, деган масала кишини қийнайверади.***

**Мухлис.**

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

**Соат милларини Ойбек РАҲИМ кузатди.**

## Қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида

***<u>Андижонда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги кооперативлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.</u>***

Унда туман ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиқлари ҳамда йирик хўжаликларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Қ.Обидов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири С.Мирсафоев кун тартибидаги масалалар бўйича маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар республика Олий Мажлисининг кейинги сессияларида қабул қилинган қонунлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш, ишлаб чиқаришни янгича ташкил этиш, деҳқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлигини ошириш ва шу орқали маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, юрт фаровонлигини оширишга қаратилганлигини таъкидладилар. Эндиликда жойларда ишни мазкур ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис ўн биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳамда Андижон ва Фарғона деҳқонлари билан учрашувлари чоғида баён этилган қоида ва хулосалар бу борада муҳим дастуруламал бўлмоғи зарур.

**К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.**

## ЎЗБЕК ОЛТИНИГА — ЯПОН СИФАТ СЕРТИФИКАТИ



***<u>Ўзбек олтинининг юқори сифатини тасдиқлашга бугунги кунда ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ. У халқаро бозорда, хусусан, Лондон қимматбаҳо металлар биржасида катта обрў қозонган.</u>***

***<u>Яқинда Навоий кон-металлургия комбинатининг олтинига Токио саноат маҳсулотлари биржасининг сифат сертификати берилгани тўғрисида хушхабар олинди. Жаҳоннинг энг йирик олтин чиқарувчи мамлакатларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси МДҲ давлатлари орасида Японияда ўз олтинининг юксак сифатлилигини тасдиқлаган биринчи давлат бўлди.</u>***

Токио саноат маҳсулотлари биржасига 1984 йилда асос солинган. Дастлаб биржада олтин, кумуш, резина, пахта ва жун намойиш этилган бўлса, сал ўтиб булар қаторига палладиум ва аллюминийдан тайёрланган маҳсулотлар қўшилган. Токио саноат моллари биржаси олтин, платина, палладиум ва резина сотиш бўйича фаол ҳисобланиб, дунёда иккинчи ўринда туради.

— Токио биржаси маҳсулотлари рўйхатига киритилган мавжуд барча қонун-қоидаларга риоя қилинган ҳолда расмийлаштирилган ўзбек олтинига бизнинг сифат сертификатимизнинг берилишини маълум қилишдан ниҳоятда хурсандмиз, — таъкидлади Токио саноат маҳсулотлари биржасининг раиси Тадаёши Наказава «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда. — Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон улкан моддий хомашё заҳираларига эга. Мамлакатингизда Япония билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан буён янада кенгайтириш учун ажойиб имкониятлар мавжуд.

Яқинда Ўзбекистонда бўлиб қайтган Япониянинг йирик компаниялари вакилларидан иборат «Кейдарен» иқтисодий ташкилотлар федерацияси делегацияси мамлакатингиздаги имкониятларга юксак баҳо берди. Япония ишбилармон доиралари вакиллари республикангизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этаётганини, энг аввало, бу ердаги сиёсий барқарорлик ва иқтисодий юксалишларни таъкидлаган ҳолда кузатиб бормоқдалар.

— Ўйлайманки, — дея сўзини давом эттирди жаноб Наказава, — яқин йилларда Токио саноат маҳсулотлари биржасига қўйилаётган Ўзбекистондан келтирилган моллар рўйхати сезиларли даражада кўпаяди. Биз, хусусан, Ўзбекистонда юксак сифатли пахта ва ипак иплар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотга эгамиз. Ҳозир ўзбек нефти ва нефть маҳсулотларини сотиш масаласи мутахассисларимиз томонидан кўриб чиқилмоқда. Назаримда, Ўзекистонда янги нефть конлари ўзлаштирилаётгани ҳисобга олинса, бу соҳада ҳам ҳамкорлик қилишнинг яхши истиқболлари бор.

**Музаффар ЗОҲИДОВ, «Жаҳон» АА мухбири.**

Токио.

БУГУННИНГ ГАПИ

# САЙХУНОБОДЛИКЛАР КАЙФИЯТИ БАЛАНД



Сайхунобод туманига янги ҳоким қилиб тайинланган Султон Раҳмонқулов ва унинг муовинлари қиш ойларида кабинетларини марказий таъмирлаш устахонасига кўчиришди. Фуқаролар қабули, ишни бошқариш, овқатланиш ва бир чимдим уйқу ҳам шу ерда кечди. Раҳбарларнинг қўли оддий ва уяли телефондан бўшамасди. Савол-жавоблар қисқа ва лўнда эди.

— Алло, «Гулистон» хўжалигими? 20 гектарлик тутзорга яхоб бериш қандай бораяпти? Индинга тугайди? Яхши. Хўш, бугуноқ сизларга ажратилган 90 тонна селитрани ташиб олинглар. Келишдикми? Нима ёрдам керак бўлса, хоҳ тунда, хоҳ тонгда бўлсин, тортинмай мурожаат қилаверинглар...

— Алло, Алло... Эшитаяпмиз. «Шўрўзак»данми? Гапираверинг... Дорини юпқа қор устидан сепиб тўғри қилаяпсизлар. Имкон қадар майса нобуд бўлмагани маъқул...

Сепини ёйиб кўклам келди. Тераклар кучала ташлаб, тутлар барг чиқазди. Хонадонларга қурт уруғига қўшиб ун ва мой тарқатилди. Бошқа туман пиллакорлари режанинг ярмига етишганда сайхунободликлар 70 тонналик хирмон уюб, довондан ошдилар.

Катта-ю кичик пешонадаги терни бир сидириб олди.

Ғалла ўрим-йиғими арафасидаги катта йиғинда эса ҳоким гапни мухтасар қилди:

— Мендан маъруза кутмай қўяқолинглар. Ўримга техника, ёнилғи, механизаторлар шай турибди. Давлат буюртмаси ва уруғликдан ташқари барча буғдой ҳар кимнинг меҳнатига яраша бўлиб берилади. Айтиб қўяй, даладаги ҳосил ейишга ҳам, сақлашга ҳам, сотишга ҳам етади. Гап уни талон-тарож қилмай, узоғи билан бир ой ичида саранжомлаб олишда қолган...

Оқсоқоллар дала бошида фотиҳага қўл очишди. Комбайн ва транспорт тракторларининг моторлари гуруллади. Икки-уч кун ўтмасдан симлар орқали хушхабарлар қанот қоқди.

— Алло, мен «Бирлашган»дан Рустам Худойқуловман. 25 гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олиб планни бажардик. Ўрим давом этаяпти. Яна 8-10 центнердан ғалла йиғиштириб оламиз...

— Туманни уланг. Ҳоким бобо, ваъдангиз ёдингиздами? Рапортни қўлингиздан даланинг ўзида оламан, дегандингиз. Қош қорайса ҳам сиздан дарак бўлмади. Ичим пишиб мана, сим қоқиб турибман. Ҳа, ҳа, мен «Гулистон»лик Илаш Тўраев-да...

—Бўпти, сизни эртага далада кутиб оламиз...

Бригадалар, оилавий пудратчилар, хўжаликлардан келаётган хушхабарларнинг гўё охири кўринмасди. Улоқни туманда биринчи бўлиб «Гулистон» деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмаси ғаллакорлари олиб кетишди. Кейин эса «Шўрўзак» ва «Бирлашган» хўжалик деҳқонлари зафар кучдилар.

... Бугунги кунда Сайхунобод тумани ғаллазорларини бепоён денгизга қиёслаш мумкин. Ана шу далаларга қараб турган киши бир зум кўзини юмиб, кўп нарсаларни тасаввур қилса бўлади. Масалан, янги буғдойдан нон ёпаётган аёлни. Унинг атрофида кўлчаларидаги иссиқ кулчаларни «куҳ-куҳ«лаб югураётган кичкинтойларни, уларнинг шодон қийқирикларини...

Сайхунободга телефон қилиб кишилар кайфиятини, уларнинг келгуси режаларини суриштирдик.

— 8 та хўжалик давлатга ғалла сотиш буюртмасини бажарди. Туманимиз ҳам рапорт тайёрлаяпти. Бундай кунларда одамларнинг кайфияти, албатта, аъло бўлади-да, — деди Султон Раҳмонқулов. — Энди пахта режасини ҳам вилоятда биринчи бўлиб бажарсак, ёмон бўлмасди. Ғўзаларимиз ёппасига гуллаб, кўсакка кира бошлади. Ғаллазорларда эса ўрим-йиғим ҳамон давом этаяпти. Туманимизнинг яхши кунларига меҳмон бўлиб келинглар...

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ХАБАР

**Қирғизистон ҳудудидаги тоғларда қорнинг тез эриши ва Шоҳимардонсой дарёсида сув оқимининг кескин кўпайиши натижасида шу йил 8 июлда Фарғона вилоятидаги Шоҳимардон қишлоғида сув тошди. Натижада қурбонлар ва вайронгарчиликлар содир бўлди.**

**Аҳолига ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ҳукумат комиссияси тузилиб, иш бошлади. Бу ишга республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари кучлари ва воситалари жалб этилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.**

